

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати билан бирга ўзларининг ҳарбий ва фуқаролик бурчларини муносиб бажаришда, давлат манфаатларини, конституциявий тузум ҳимоясини, Ўзбекистоннинг ҳудудий ахлиллари ва чегараларининг дахлсизлигини таъминлашда, Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ва тинч меҳнатини қўлаб, жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлиқни ва миллатлараро тўтовлиқни сақлаб қолиш учун ҳамма ишни қилади, деб қатъий ишонч билдиради.

Сизларга тинчлик ва оқилоллик, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги ишнингизга муваффақиятлар тилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 24 сентябрь.

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Сирдарё вилоят фаоллари йиғилиши бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Кенгаши ўн учинчи сессиясидаги натижа ва «Ўзбекистон» бозор муносабатларига ўтишни ўзига хос йўли» рисолида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Б. Махмудов шу ҳақда маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар бутунги кунда қишлоқда фермерлик ва шахсий хўжаликларни янада ривожлантириш, маънавий ҳимоя қўраётган корхоналарини очиб муҳим вазифа бўлиб турганини таъкидлади.

ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1993 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРГА БЎЛГАН МАЅЛУМОТ


Вилоятлар	Режадаги нисбатан фойда ҳисобида			
	Жами	Шу жумладан машина терими		
	Бир кунда	Маъсум бошдан	Бир кунда	Маъсум бошдан
Қорақалпоғистон Республикаси	1.92	12.28	0.72	1.67
Андижон	0.92	4.45	0.00	0.00
Бухоро	2.40	18.79	0.16	0.48
Жиззах	0.08	0.08	0.02	0.02
Қашқадарё	1.24	5.58	0.40	1.16
Навоий	0.67	3.54	0.00	0.00
Наманган	0.61	0.61	0.00	0.00
Самарқанд	0.00	0.00	0.00	0.00
Сурхондарё	2.51	24.36	1.22	5.07
Сирдарё	0.07	0.15	0.00	0.00
Тошкент	0.23	1.42	0.00	0.00
Фарғона	1.32	6.68	0.05	0.08
Хоразм	2.94	29.29	0.09	0.19
Ўзбекистон Республикаси бўйича	1.20	8.67	0.23	0.77
1992 йилнинг шу кунда	0.67	3.50	0.05	0.15
Шу жумладан илгари		толали пахта		
Андижон	0.00	0.00	0.00	0.00
Бухоро	0.00	0.00	0.00	0.00
Қашқадарё	0.19	0.45	0.00	0.00
Навоий	0.00	0.00	0.00	0.00
Наманган	0.00	0.00	0.00	0.00
Сурхондарё	1.61	14.56	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси бўйича	1.27	11.19	0.00	0.00
1992 йилнинг шу кунда	0.45	4.03	0.00	0.00

Ўрта Чирчиқ район дала-ларида терим бошлаб юборилди. Суръат кундан-кунга ошиб, мавсум тобора қизғин палла-га кирмоқда. Оқунбобоев но-мли жамоа хўжалиги ва Қим Пен Хаа номли халқ кор-порацияси пахтакорлари пешқа-данликни кўлдан бершмапти.

Қим Пен Хаа номли халқ кор-порациясида дастлабки хом ашё жамоининг пахта заводи-га топширилиб, тола олимоқда. Пахтакорлар мавжуд 880 гек-тар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнер ўрнига 32 центнер-дан хом ашё йиғиштириб олишмоқчи.

СУРАТЛАРДА: 1. Оқунбобо-ев номли жамоа хўжалигида дастлабки ҳосилини топшириш пайти. 2. Қим Пен Хаа номли халқ корпорацияси илгир теримчиларидан Тожиқон Ниш-нова ва Тожиқон Асқов. 3. Жорий йилги ҳосил тола-лари.

А. МАЛЫЦЕВ
олган суратлар.



Теримни уюшқоқлик билан ўтказиш учун 4 механизациялашган гуруҳ тўзилади. Ўлар машиналарни ёниги, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаб туради. Ҳайдовчилар ўртасида мусобақа ташкил қилиниб, ҳар 5 кунда янқула-ниб турилади. Машиналардан унумли фойдаланиб, мав-сумни самарали ўтказиш учун хўжаликда тадбирлар иш-лаб чиқилди.

Вазирлар Маъкамасининг «1993 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга таёйргарликни тугаллаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари тўғрисида»ги қа-рорига амалий жавоб бериш мақсадида бор имкониятлар-дан унумли фойдаланимиз.

Шу кунларда дала-ларда қўпмингкилограммчи чеварлар фидокорона меҳнат қилишмоқда. Айниқса, И. Жалилов, А. Муродов, Т. Собиров бошлиқ бригадаларда суръат кундан-кунга ошяпти. Бутун диққат-этибор хўжали-нини 3750 тонналик хирмонини тезроқ тиклашга қара-тилган.

С. САФАРОВ,

Когон районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бош иш-бери.

МАШИНА ТЕРИМИ— ИШ УНУМИ

Ўзбекистон тўқимачилиги 3. Ҳанея номидаги жамоа хў-жалиги пахтазорларига ви-лоятда биринчи бўлиб те-рим машиналари чиқарилди. Маъмуржон Эшматов, Абду-ҳалиқ Мамадалиев сингари механизаторлар теримнинг дастлабки куниданоқ 6-7 то-надан пахта териб берди.

Хўжаликда машина те-римга пахта ҳозирлик қўри-ди. Қўйма устакхона ташкил этилди. Механизаторлар кор-жама билан таъминланди.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

РЕЖАГА ҚЎШИМЧА

Ўтган йили Поп райониди-да «Поп» давлат хўжалиги-даги жамоа вилоятда бирин-чи бўлиб пахта таёйрлаш йиллик режасини бажарган эди. Бундай бахт бу йил ҳам маъмур хўжалик пу-ратчиларига насиб этди. Бе-

шикчи бўлимдаги 1-бригада-нинг Одина Рўзиматова бо-шлиқ оилавий эвено аъзолари режа шараф билан урда-дан ганилиги тўғрисида га-лаба рапортига имзо чекилар. 1797 гектар ернинг ҳар гек-тардан 20,1 центнердан оқ

олтин териб олинди. Дав-латга 8200 килограмм си-фатли хом ашё топширил-ди. Жамоа бир неча кун да-вом этган йиғим-теримда 205 минг сўм даромад қилди.

Эвено аъзолари даладаги ҳосилини чақалаб, яна ҳар гектар ҳисобига 10 центнер-дан пахта териб олишга ваъда бердилар.

ҲОСИЛ ЖОЙИДА

ҚАЙТА ИШЛАНАДИ

Бағдод туманига қарашли Эркинжон Усмоновнинг но-мидаги жамоа хўжалигида фойдаланишга топширилган янги пахта тозалаш заводи дастлабки тола оқ олтини қабул қилди. Завод йилга 40 минг тонна пахтани қай-та ишлаб беради.

Илгари туман хўжалик-ларида терилган ҳосил Қўқон пахта тозалаш заводида э-тиб берилар эди. Энди бар-ча ҳосил шу ернинг ўзида қайта ишланади. Бугина эмас, корхона ишга тушиши билан 450 нафардан зиёд ки-ши доимий иш билан та-минланади.

билан ўтказишни мақсад қилиб қўйди — дейди эвено бошлиғи 3. Тожиқова. — Бизга 2 гектар ер бериш-тилган. Янги ўзлаштирилган адирликларда ҳам мўл ҳо-сил етиштирилади. Ҳозиргача 2 тонадан ортиқ адир дур-донасини топширдик. Бугун-ерта режани бажарамиз. Жа-моанинг Боқижон Султонов бошлиқ бригадасида ҳам те-рим қизғин борапти.

А. ҚОРАБОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

(ЎзА).

Эллиқалта райониди-да «Янгиер» давлат хўжали-ги дала-ларида терим маши-налари киритилди. Дастла-бки кун 4 та агрегат унумли ишлатилиб, уларнинг ҳар бири билан 6—8 тонна миқ-дорда оқ олтин саранжом-ланди. Механик-ҳайдовчилар-дан Мурод Оқазаров, Бо-тир Мирзаев, Оллаер Қур-бонбоев, Фарҳод Бобожо-

А. ИСКАНДАРОВ.

СУРЪАТ ОШМОҚДА

ми жадал бормоқда. Ўзро мусобақадан Мавжудис Оди-лова, Зухражон Тожиқова бошлиқ оилавий нудрат аъ-золари олдинда бормоқдалар. Уларнинг ҳар бири эл хир-монига 250—300 кило-граммдан оқ олтин териб тўқмоқдалар.

— Мавсумни уюшқоқлик

Биз Арнаоси туман ҳоки-ми муовини Марат Қўзқов-нинг хонисига кириб борган-имизда соат миллари ўн иккига аққиллашган эди. Биз унга мақсадиимизни, яъни қўл шарафига мўл ҳосил етиштириш, уни қишқа му-датда териб олишга пахта ҳозирлик қўрган хўжалик фаолиятини намуна сифатида ёритишга келганлигимизни айтдик.

— Жуда соз, — деди Марат Қўзқов. — Бизда энг йирик хўжалик Юлиус Фу-чик номи ижара ширкатлар бирлашмаси ҳисобланади. Пахтачиликда уларнинг олди-га тушадигани йўқ. Айниқ-са, миришкорлар бу йил алоҳида гайрат қўраётинди. Ҳисоб-китобларга қараганда хўжалик дала-ларида режада-ги 9 минг тоннадан зиёд, яъни 10 минг тонналик хир-мон уюшга етганидан ҳосил бор. Жамоа пахтакорлари уни қишқа вақтда йиғиб-те-риб олиш учун катта таёйр-гарлик қўришди. Бориб қў-ришингиз мумкин.

Бирлашма директорини идора олдига учратдик. У фикримизни эшитган:

— Мавсумга таёйргарлик жойида. Техника тахт. Йи-гим-теримда қатнашаётган-ларнинг унумли ишлашлари

ва намунали ҳордиқ чиқ-ришлари учун барча шароит яратилган, — деди.

— Ишлар билан жойида танишсан бўладими? — Ҳозир мен бош агро-ном билан учраштираман. У белгиланган тадбирлар би-лан таништирилади. Керакли маълумотларни беради. Сўнгра меҳмонхонага бориб бир ош дам олишаркан. Йўлдан чарчаб келгансизлар, ахир! Унсача мен бўшайман. Кей-ин истаганингизга айлана-верамиз.

Бош ҳосилот Рамжон Азимовдан теримни уюшқоқ-лик билан ўтказиш бўйича тадбирларни сўраганимизда у:

— Тадбирлар тузилган, аммо ҳали машинада қўри-рилмаган. Лекин, сизга ке-ракли маълумотларни тўла айтиб беришим мумкин, — деди қўлидаги дафтарчасини варақларкан. — Ижара шир-катлар бирлашмасида 5206 гектар ер бор. Шундан 3675 гектарга чигит эканмиз. Бу йилги мураккаб шароитга қарамай, мўл ҳосил етишти-рдик. Уни қишқа мудатда саранжомлаб олишга жиддий ҳозирлик қўрдик. Ҳозир ди-ректор айтганидек, бироз ҳордиқ чиқаринлар, сўнгра теримга таёйргарлигимизни кўрсатамиз.

Хуллас, борлиқни тун пар-даси ўз қаноти остига олган-да бош зоотехник Пиримқул Эрмонқулов келиб қолди. У директорнинг иши чиқиб қолганлигини айтиб, уч сў-раган бўлди. Начора, вақти-ни эиқ бўлса ҳам эрталаб қўрамиз, дедик. Эрталаб турсак бош зоотехник йўқ. Соат тўққизларга яқин кел-ди. — Уэр, директоримиз азонда йиғилиш ўтказдилар.

Марказий устакхона ҳо-лисиди бизни мудир Абдуво-ҳид Шодиев қарши олди. Атрофда ҳар хил техника. Ичкарига киримиз. Машина ва агрегатларнинг у ёки бу қисмларини таъмирловчи хоналарга отинг калласи-дек қўллар урилган.

— Нега таъмирчилар кў-ринмайди? — сўраймиз му-дирдан.

Тугани билан етиб келдим. Ниҳоят, марказий устакхо-нага йўл олдик. Устакхонага қарийб беш юз метрга қо-лганда чанг-тўзон қўришди. Йўл тўғрисида қандам қўйсан-ди, тўғрисида қандам қўйсан-ди, тўғрисида қандам қўйсан-ди. Агар бирор машина ёки трактор ўтиб қолгудек бўлса ярим соатгача чанг

— Уларнинг кўплари пах-та терим машиналари созла-надиган устакхонада ишлаш-лар учун тўхтатилади, албатта. Агар мотор ўчирилмаса ёни-ги етказиб бўладими? Ёни-ги етганда ҳам пахта тан-нари осмонга чиқиб кетма-йди? Аккумулятор кеча ёки бугун йўқ бўлиб қол-га

— Аккумулятор бўлмаса агрегатлар қандай ишлайди?

— Қандай ишларди, ма-шинани бирор дўнгликка чи-қариб ёки трактор билан то-риб юргизиб оламиз. Шу билан тузатишча ишлай-берилади.

Во ажаб! Ахир, терим машиналари узлуксиз иш-ла

майди-ку! Шпинделларни ювиш учун, бирор жойини тозалаш, қуриш, созлаш учун тўхтатилади, албатта. Агар мотор ўчирилмаса ёни-ги етказиб бўладими? Ёни-ги етганда ҳам пахта тан-нари осмонга чиқиб кетма-йди? Аккумулятор кеча ёки бугун йўқ бўлиб қол-га

Терим техникаси созлан-диган устакхонага етиб кел-ганимизда ўнг томондаги бездорда қатор турган а-грегатларга қўзимиз тушди. Санаимиз, ўтганга экан.

Булор таёйрлари, — дедик. Бирор тасани юргизиб, текшириб кўрс бўладими? Ёни-ги етганда ҳам пахта тан-нари осмонга чиқиб кетма-йди? Аккумулятор кеча ёки бугун йўқ бўлиб қол-га

— Ҳозир қўл терими бош-лаб юборилди. Дастлаб де-фоляция қилинган пайнал-ларда гўза барглари тўқил-япти. Ўрта-индин машиналар далага киритилиши керак. Бунақада терим нима бўла-ди?

— Икки-уч кунда ҳамма-сини тўғрилаймиз...

Устакхона ичида ҳам со-зланмаган 25 та машинани қўрдик. Муҳандиснинг га-пи-га қараганда, бир қафта чи-да улар ҳам тўла ишга шай бўлармиз. Йил бўйи бажар-иб улгурилмаган иш бир қафтада бикказилишга ишо-ниш қилди. Эҳтиёт қисмлар етарли бўлганда ҳам бир на-в эди.

Устакхонадан кайфияти-миз бўзилиб қайтдик. Чунки бу хўжаликда илгари кўп бўлганмиз. Илгари, яъни бу ерда тажрибали, тадбиркор инсон йўлдош Зоҳидов раҳбарлик қилган даврда миришкорларнинг му-руғи республикага ёйилган эди. Уларнинг мўл ҳосил етиштириш ва уни қишқа мудатларда, нест-нобуд қил-май йиғиб-териб олиш бо-расидаги ибратли ишлари матбуот саҳифаларидан туш-масди.

Афсуски, хўжаликда сўн-га

лаб юборилди. Дастлаб де-фоляция қилинган пайнал-ларда гўза барглари тўқил-япти. Ўрта-индин машиналар далага киритилиши керак. Бунақада терим нима бўла-ди?

— Икки-уч кунда ҳамма-сини тўғрилаймиз...

ги йилларда кўп соҳаларда орқага кетиш юз берди. Ус-такхонада бўлиб таёйргарлик-нинг аҳолини қўрганимизда бунга амин бўлдик. Таъмир-чилар билан учрашганимиз-да уларнинг кўпчилиги таъ-минотдаги танқисликдан азия-т чекишганини айтишди. Улардан бири хўжаликда ҳаммом йўқлигидан нолиди.

Начора, ҳозир замон ўз-гарди. Хўжаликнинг илгари-ги доврғи билан узокқа бо-риб бўлмайди. Ишлаш, ҳара-кат қилиш, йўқни йўндириш керак. Акс ҳолда одамлар олдида раҳбарнинг юзи шу-вувт бўлиб қолиши мумкин.

Бу йилги шароит мавсу-мин уюшқоқлик билан ўткази-шни тақозо қилмоқда. Шу-нинг учун ҳам ҳали бироз бўлса-да, вақт бор. Ўйлай-мики, хўжалик раҳбарлари зудлик билан ишда ўзгариш ясайдилар. Акс ҳолда оқиба-ти яхши бўлмайди. Чунки туман пахтачиликнинг му-ваффақияти уларнинг ўз иш-ларини қандай ташкил этиш-ларига боғлиқ.

Каримжон РИХСИЕВ,
Ҳашан БОВОМУҲАМЕДОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбирилари.



БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОНИ

Дам олиш саҳифаси

Тақдир сўқмоқлари

ОЛМОНИЯЛИК ЎЗБЕКЛАР

Яқин-яқинларча хорж-даги юртдошларимиз тур-сида кўп нарсани билмас эдик, уларнинг аксариятини халқ душмани санар эдик. Мустақиллик бу соҳада ҳам кўзимизни очди, қатор са-бабларга кўра мусофирлик ва муҳожирилик қисмати зим-масига тушган юртдошларим-миз турмуш йўли, тақдирига ойдинлик киритилмоқда, не-ча ўн йиллар фироқ ва ҳиж-рон ўтида ёнган дилларга ҳақиқат нурули чароғонлик бахш этмоқда...

Фаргона водийсидаги Во-дил қишлоғида истиқомат қилувчи Мўминжон Тешабе-ев 1939 йили аскарликка чақирилганда энди ўн сак-кизга тўлган эди. Йигитлик бурчини тугаллаб жонажон қишлоғига қайтиши арафа-сида машғум уруш бошлан-ди. Ўша пайтда мамлакатни бошқарётган раҳбарларнинг хатоликлари туфайли тиш-тирноғигача қуролланган душманга қарши деярли яроқсиз жанг қилишга тўғри келди. Минг-минглаб аскар-лар қўрқовига тушиб, тас-лим бўлишдан ўзга чора то-пишолмади. Асирликнинг ин-сон чидаши қийин уқубатла-рини оддон татишган тугу-нлар сафида Мўминжон Те-шабеов ҳам бор эди. Қон-лағардаги қийноқ азоблар-дан қутулиш учун фашист-лар тугул, Азроил билан ҳамкорлик қилишга тайёр асирлар оз эмасди. Баъзи-лар эса мафкуравий асосда душман билан тил топишди. Хуллас, 1942 йил бошида Берлинда, Вали Каюмовон бошчилигида Туркистон ми-ллий бирлик қўмитаси ташкил топиб, тугуниладиган кўп-лаб асирлар озодликка чиқ-ди.

Уруш тугагач, Сталин югудраклари азобига ту-шишни хоҳламаган турки-стонликларнинг бир гуруҳи Олмонияда қолиб, «Миллий Туркистон» журналича чиқа-ра бошлади. Улар орасида Мўминжон ҳам бор эди, ле-кин у сўбатдан маърифатни маъқул кўриб, Мунстер шаҳ-ридаги дорилфунунга ўқиш-га кирди. Немис ва инглиз тилларини пухта ўрганиб олди. 1953 йили универси-тетни тугаллаб, шу ернинг ўзида ишлаб бошлади. Ора-дан уч йил ўтиб, ўзи билан тахсил кўрган олмон аёли Аннамария Наббунга уй-ланди. Докторлик диссерт-ациясини муваффақиятли ҳи-моя қилди. Икки фарзандли бўлди. Турмушдан шикоят қилишга асос йўқ эди, лекин муҳожирилик... Оша юртин

қўмса... Жонажон Водилин соғиниш...

«Бегона юрта подшо бўл-гандан кўра, ўз юртингда гадо бўлган яхши», «Ўзга юртинг гулидан ўз юртин-нинг тикони яхши» деган пурҳикмат гапларни айни Мўминжонга ўхшаш мусо-фирлик, муҳожирилик ма-шаққатларидан тўйган киши-лар айтганига шубҳа йўқ. Унинг бевақт ўлими ҳам шу-ни тасдиқлаб турди. Мў-минжон Тешабеов она юрт, қариндош-уруғлар дийдори соғинида 1963 йили олам-дам кўз юмди...

Бу ҳақда яқингача Водил-да ҳеч ким ҳеч нарсга бил-мас эди, Мўминжон бедарак йўқолган ҳисобланарди. Хай-рияки, Ўзбекистон муста-қилликка эришган, М. Теша-беов қисматига ойдинлик киритиш имкони туғилди. Бу-нинг учун Олмониянинг Мюнхен шаҳрида яшовчи юртдошимиз Хусан Икром ўлига ташақкур. Айнан у Мўминжоннинг қариндошла-рига батафсил мактуб ёзиб юборди.

Шу хатдан маълум бўли-шича, Хусан Икром ўли-нинг ўзи наманганлик бўлиб, 53 йилдан буён муҳожири-ликда яшар экан. Рафиқаси — турк аёли, бир ўғли бор. Мюнхен университетидида ол-монларга ўзбек тилидан са-боқ бера экан. Яқинда она юртига келиб, киндик қони тўкилган тупроқни тавоф айллади...

— Акамнинг хотини Ан-намария хонимдан ҳам мак-туб олди, — дейди Мўмин-жон Тешабеовнинг сийғиси Сора опа, тўқиниланиб. — Барака топгур, акамнинг бир неча суратларини ҳам юбо-рибди. Бошимиз осмонга ет-ди. Акамнинг ҳозир 38 ёшда бўлган Курт исмли ўғли ва ундан бир ёш кичик Сара исмли қиз бор экан. Улар-нинг ҳам иккитадан фар-зандлари бормиш... Олис ў-лкадаги жиянларимни бирам кўргим келдики, уларни кў-риш ниятим борлигини ай-тиб хат жунардим. Иложи бўлса ўзимиз Олмонияга бо-риб акам қабрини зиёрат қи-лишни мўлжаллаётимиз...

Мустақиллик неъмат... Шунча йил бедарак йўқол-ган деб ҳисобланган Мўмин-жон Тешабеов қисматига ой-динлик киритилиши, унинг қариндош-уруғлари ҳис этган қувонч оилари ўша неъмат-лардан биридир.

Ш. АЛЛАМОВ,
И. ЗОИРОВ.

ТОЖ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Англиялик грассмейстер Найкел Шортин шахмат му-хлисларини шикоятдор ўйин-чи сифатида билишди. Баъзан Шорт бу кўнра йўнинг қў-члики тил олган жикатларнинг меҳисмасидан рақиб шохига ҳужум уюштиришни ёқтиради ва, танкидлаш керакки, аска-рият ҳолда муваффақият қо-зонади. Ҳатто собиқ жаҳон чемпиони А. Карпов каби го-ят таъбирли грассмейстер ҳам даъвогарларнинг финал баҳси-да Шортнинг бетўхта ҳам-маларига дош беролмай, ку-рашни тўхтатган эди.

Инглиз грассмейстери жаҳон шахмат тожи учун Лондонда Гарри Каспаров билан бошлан-ган бешлашувда ҳам ўз ўйин услубига содиқ қолди. Бирин-чи партияда нисалга томон ҳам тағ аҳволда пайти жаҳон чемпиони дурған таклиф қил-

ганида у бунга кўнмади ва сал ўтмай ютақиб қўйди: белги-ланган муддатда етарлича юртиш қилолмалар учун мағлу-биятни тил олди.

Кейинги партияларда ҳам у Каспаровни довлдиратиб таш-лашга уриниб кўрди, лекин ҳо-

ларда Шорт жикол устунликига эришиб, жаҳон чемпиони қил устида қолган пайтлар ҳам бўлди, лекин Каспаров топкир-лик билан донга суриб, қийин вазиятлардан муваффақиятли чиқиб кета олди.

Еттинчи партияда эса Каспа-

Шахмат

зирги жаҳон чемпиони бўш келгани йў. Шортнинг ҳамла-ларини моҳирона бартараф қилиб, самарали қарши ҳу-жумлар уюштириб турди. На-тижада рақиблар олти марта донга суриниб, Каспаров 4,5: 1,5 ҳисобида олдинга ўтиб ол-ди. Тўғри, дастлабки партия-

ров кўп йиллардан буён жа-ҳон шахмат тоғига бекорга эгалик қилмаётганини исбот-лаб, муддатидан аввал сўзсиз ғалаба қозонди. Ҳанузгача мутахассислар Каспаровнинг қай тарихи қадам-бақадам тў-ла устунликига эришганини тах-лил қилиш билан оворадирлар.

Каспаров — Шорт баҳсида бундан кейин воқеалар қандай бўлиши ҳусусида дангал бир нима дейиш қийин.

Голландияда А. Карпов ва Я. Тимман ўртасида кечаётган баҳсда ҳам аввалга рақиблар шикдаткорлик билан донга суриниб, биттадан ғалабага эришдилар. Шундан сўнг маъ-лум даражада осийштаклик юзага келди. Дарвоқе, бундай ҳолатларда А. Карпов рақиб-ни сал хато қилгудек бўлса, ундан усталик билан фойдалана ола-ди. Шундан кўчибми, Ян Тим-ман эҳтиёткорлик билан донга сурмоқда. Шунга қарамай гол-ландиялик грассмейстер яна икки марта мағлубиятини та-н олди. Ун учрашувдан сўнг ҳи-соби А. Карпов фойдасига—6:4.

Шермухаммед ЙЎЛДОШ
Ўғли.

ЎТМИШ ДАРАКЧИЛАРИ

Наманган вилоятининг Пои туманидаги ўлкашун-ослик музейида намоиш эти-лаётган буюмлардан попик-лар жонажон заманининг бой тарихи тўғрисида қўлгина қизқарди маълумотлари

билиб олишлари мумкин. Музей залларида 700 га яқин экспонат қўйилган. Уларнинг кўп қисми шу туманда олиб борилган археологик қиди-рувлари билан боғлиқдир. Экспонатлар орасида Сир-

дарё бўйидаги Мунчоқтепа деган жойда мутахассислар тошган ашёлар маркаси ўрнини эгаллайди. Бу ерда қадимги қишлоқ бўлган, олмллар уни I—IX асрларга мансуб, деб ҳисобламоқда-лар. Тарихнинг маъкур но-

дир ёдгорликлари вақтинча Наманган вилояти ўлкашун-ослик музейида сақланиб келган эди. Эндилкида узок ўтмишда сақланиб қолган ашёлар топилган жойида на-моиш қилинмоқда.

ТУРФА ОЛАМ

ИККИ АСР ЮЗИНИ
КўРГАНЛАР

Рейн-Вестфалияда [Олмония] яшайдиганлар орасида 100 ёш-дан ошган одамлар сонини сўн-ги ўн йил ичиди икки ҳиссага ортди. 1981 йили бу ерда 311 нафар юз ёшдан ошган қария-лар яшаган бўлса, ҳозир Рейн ва Весерда иккинчи аср-га қадам қўётган 664 кеска кишилар туради. Ҳозирча уларнинг кўп яшаш сирини аниқ-ланганча йўқ.

АЭРОБЕКА ПОДШОСИ

Джейн Фонда авваламбор миллионлар қалбиди «аэроб-и-

ка подшохи» номи билан аба-ди қолмоқчи. Бундан беш-олти йил илгари унинг ҳар бир машқлари тасвирга туширил-ган кассеталар оламга маш-хўр. Олтимиз ёшдаги бу хо-нимнинг ўз ҳақиқий ёшидан анча ёш кўринишига сабаб, кундалик режимида қатъий амал қилишдадир. У ҳар кун саб-зи, помидор, апельсин ва кў-катлар истеъмол қилади. Бунга қўшимча, Фонда кунига икки соат гимнастика билан шуғул-ланиб, велосипедда сайр қи-лишни одатга айлантирган.

Қ. ТУЛЕБОВ тайёрлаган.

Шарқ усталари қадимдан қимматбаҳо тошлардан чи-роили буюмлар ясашга маш-хўр бўлишган. Заминимиз-дан топишган мунчоқлар, -узуқлар, биланузуқ ва бошқа зийнатлар фикримиз далили бўла олади.

Мармарга бадий ишлов бериш ҳамда ундан ҳар хил буюмлар ясаш устоналари кўпича қонга яқин жойда бўлган. Ана шундай устхо-налардан бири Нурота райо-ни марказида, иккинчиси Ғозгон қишлоғида жойлаш-ган. Ҳар иккала устхона-ларда ҳам бой мармар конлари бор.

Ғозгон қонидан ўрта аср-лардаёқ мармар қазиб оли-нганлиги тўғрисида маълу-мотлар учрайди. Афросибада ўтказилган 1968 йилги қа-

ган, идиш-товоқ ва бошқа рўзгор буюмлари уларнинг ниҳонда мустақамлигидан далолат беради. Баъзан мармардан ясалган ёдгорлик

сол дид, эътибор ва қўнт билан ишлангани, уни то-моша қилган киши устанинг маҳоратига тасанно айтади. 1972 йилда Бахмал райо-нида қора мармар қони топи-лган эди. У сайқалланса, жи-лосида киши ўз аксини кўриши мумкин. Бу ҳол унинг нақа-дар сифатли эканлигидан да-лолат беради. Бундай қим-матбаҳо мармарлар ҳозирда мустақил Ўзбекистоннинг Китоб шаҳрига яқин Бодом-зор, Севаста, Нурота ва На-манган атрофларидан ҳам излаб топишган.

Ражабгул АБДУЛЛАЕВА,
Ўқитувчи.

ТОШГУЛ

зишмалар вақтида археолог-лар IV асрга оид мармар бў-лакларини топишди.

Ғозгон устхонасида мар-мардан ясалган безакли ла-

буюмларига жило бериш мақсадида унинг нақшларига феруза ва бошқа турли ранг-даги нодир тошлар қадалган. Бу буюмлар худди гул ми-

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
матбуот маркази хабар қилади

ИНСОФИ УНУТГАН

Андижон вилоятининг Комсомолобод туманидаги 12-ёшдаги қўйиш шохобчасида катта оператор бўлиб ишловчи Р. Мусурмонқулов ҳозирги тақчилликдан фойдаланмоқчи бўлди. Ахир, қўлида бензиндек тақчил моли бор. «Ҳой, менда бор» деб қичқирмаса ҳам юзта харибанинг ўзи юзталик пулларини чангаллаб бензин қидириб юрибди.

Р. Мусурмонқулов «худо берса қўшқўллаб бераман», қабилида иш тутди шекилли, босар-тусарини билмай ўз фойдасига ишлайверди. Беҳисоб дунё борми, унинг ўз фойдаси учун жиддий киришиб кетиб, давлат ҳисобидан алашиб кетганини ким ҳам кечирарди. Устига-устак бу оператор минг эмас, балки ярим миллион сўмликдан ҳам ортиқ камоматга йўл қўйган бўлса...

Дарвоқе, ҳозир шунча сўмлик бензиннинг қаёққа гум-дон бўлганлигини аниқлаш мақсадида тафтиш ишлари ўтказилмоқда.

Ҳа, емоқнинг қўсмоғи бор, деб беизга айтмайдилар да, ахир!

Қоровулнинг қотили

К. Эшонқуловнинг кўрак қисмидан пичоқ билан яра-ланган жасадни топишга, қўларнинг дили ҳуфтон бўлди. Уни яралаганини биров сўкса, бировлар йинглаб қаради. Унинг оиласига бу кўргуликларни кўрсатган қотилга қилмишига яраша жазосини олишига улар ишонарди. Дарҳақиқат, ақллик билан қўрилган чора-тадбирлар нати-жасида «Зарафшон» жамоа ҳўжалиги аъзоси Т. Турдиев ушланди.

Ш. РҲЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Матбуот маркази но-
зир.

ЯРМАРКА ТАРАДДУДИ

Келгуси баҳорда Тошкент кийимларининг янги нусхала-рини яратадиган машҳур усталар ва кийим-кечак ишлаб чиқарувчиларнинг эътиборини ўзига тортса керак. 1994 йил март ойида замонавий кийим-кечакларнинг бринчи Тошкент улгуричи чакана савдо ярмаркасининг ўтказиш мўлжалланмоқда. Ярмарка ташкилотчиси — «Ўзэкспо-марказ»дир. Ўзига хос байрамга айландириган бу ярмар-кага ҳозирданқой тайёргарлик бошлаб юборилди. Чунки тегишли дастур ишлаб чиқилмоқда, МДХ республикалари-даги ҳамкасблар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Ярмаркада хоржий мамлакатлардан кийим-кечаклар янги нусхаларини яратувчи усталар, дизайнерлар, шу-нингдек кийим-кечак ва уларга турли безаклар ишлаб чи-қарувчилар ҳам қатнашишлари кутилмоқда. Бир қанча мамлакатлардан хомашё етказиб берувчилар, реклама ва хизмат кўрсатиш фирмаларининг вакиллари ҳам келиш-лари мумкин.

Ярмарка кунларида «Ўзэкспо-марказ»да замонавий кй-им-кечак ва пойабзал, турли безаклар, атир-упа ва пар-доз анжонлари, гаулава, калава ил, фурнитур, мўйна, чарм каби маҳсулотлар намоиш қилинади.

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

«Ўқитувчи» нашриёти то-монидан мустақил Ўзбекистон-нинг ўз дарсликларини чоп этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Янги ўқув йили бошланишигача мус-тақил дарсликлар чоп этилиб, улар ўқувчилар қўлига етиб борди. Масалан, ўрта мактаб-ларнинг 8—9-синф ўқувчилари учун М. Исоқова, В. Костец-кийлар томонидан яратилган «Ўзбекистон халқлари тарихи» ўқув қўлланмаси бунинг яқол далилидир. Ушбу дарсликда республикамизда қадим за-монлардан то XIX аср иккин-чи ярмига қадар бўлган тари-хий воқеалар ёритилган. Ўз-бекистон тарихи Урта Осиё ёрларидида халқларнинг та-рихи билан узвий боғлиқ ҳол-да ўрганилади.

8-синф ўқувчилари учун О. Мўминов, П. Баратов, М. Ма-меткулов, Р. Раҳимбековлар томонидан яратилган «Ўзбе-кистон табиии жўроғифисии», 9-синф ўқувчилари учун З. Ак-ромов, П. Мусееллар томони-дан язилган «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жў-роғифисии» дарсликлариди рес-публикамиз ҳудудининг ўзига

хос, гоят хилма-хил табиати, ер ости бойликлари ҳамда улардан оқилона фойдаланиш ҳақида ўқувчиларга кенг маъ-лумот берилган. Республика-мизнинг иқлим шароити, ҳа-ёт манбаи бўлиши дарвлари, улар ўқувчилар қўлига етиб борди. Масалан, ўрта мактаб-ларнинг 8—9-синф ўқувчилари учун М. Исоқова, В. Костец-кийлар томонидан яратилган «Ўзбекистон халқлари тарихи» ўқув қўлланмаси бунинг яқол далилидир. Ушбу дарсликда республикамизда қадим за-монлардан то XIX аср иккин-чи ярмига қадар бўлган тари-хий воқеалар ёритилган. Ўз-бекистон тарихи Урта Осиё ёрларидида халқларнинг та-рихи билан узвий боғлиқ ҳол-да ўрганилади.

Буллардан ташқари муаллиф-лар жамоаси томонидан педа-гогика институтлари тарих фа-култетлари учун язилган «Ўз-бекистон халқлари тарихи» китоби, Г. Асанов, Т. Наби-хон, Р. Сафаровларнинг олий ўқув юртилари учун «Ўзбеки-стоннинг иқтимоий ва иқтисо-дий жўроғифисии» қўлланмаси, Б. Аҳмедовнинг «Тарихдан са-боқлар» қўлланмаси шу кун-ларда нашр қилинмоқда. Республика ўқув-методика марказида ўрта мактабларнинг 5—11 синфлари учун олимпиа-дизм томонидан яратилган дарсликлар кўриб, ўтказил-моқда. Ишонимизки, келгуси ўқув йилигача ушбу ўқув қўл-ланмалари ҳам ўз ўқувчи-лари қўлига етиб боради.

О. РАХИМОВ.

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир хайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош му-ҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўрин-босари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. МИХСИЕВ, Э. ИБРОХИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Респу-бликаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, «Ўз-плодошовчиинпром» концерни, Ўзбе-кистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жа-маоси.

МАМЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КўЧАСИ, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР. Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93. Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Дехқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 32-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелiorация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Азборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маълумий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г-533. 29070 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 21.00

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.